



Китобнинг 3D муқовасини тайёрлашда ушбу сайтдан фойдаланилди:

<https://online.boxshot.com/shapes/3d-hard-cover-book>

Муваффақиятлар сари тезликни 1000 га оширамиз!

Махсус қўлланма!

Бу қўлланмадан Сиз

- бой ва омадли ҳаёт

- соғлом бўлиш

- ўзига ишонган инсонга айланиш

- хушбичим қомад соҳибаси бўлиш

- ва бошқа Сиз учун муҳим бўлган мақсадларга

эришиш сари бўлган тезликни қандай қилиб 1000 га
чиқариш мумкинлигини билиб оласиз.

Сиз ўз муваффақиятларингиз сари тезликни 1000 га оширишни истайсизми? У ҳолда кейинги саҳифаларда баён этилган ШАХСни тарбиялаш борасидаги энг илғор илмлар Сиз учун.

Энди Сиз **смартфон ёки телефонингиздан ўзингизни ривожлатиришдаги энг кучли қурол** сифатида фойдаланишингиз мумкин! Бунинг учун махсус аудиотренинг тайёрлаб олсангиз кифоя. Қолган барчасини ўз телефонингизга топшириб қўясиз. У Сизни кечаю кундуз, тинмасдан муваффақият сари дастурлаб бораверади.

Аудиотренинг дегани нима? Бу сизнинг ўз овозингизда ёзилган позитив (ижобий) таъкидлар ва янги психологик дастурлардир. Бу таъкидларни жуда кўп эшитиш натижасида улар сизнинг янги “Мен”ингизга айланади. Кўп мартаба эшитилган сўзлар моддийлашиб (ҳаётда ўз аксини топиб) сизнинг янги шахсингизга айланади.

Ўйлаб кўринг, энди Сиз ўзингиздаги кўплаб самарасиз дастурлардан (қашшоқлик, омадсизлик, бахтсизлик, ўзига бўлган ишончсизлик ва бошқа) нафакат қутулишингиз, балки бу эски ва зарарли дастурлар ўрнига янгисини, ўта

фойдалиларини (бойлик, омад, бахт, ўзига ишонч, соғлик ва бошқалар) ёзишиниз мумкин.

Энди Сиз ўзингизда ёрқин ШАХСни қандай тарбиялашни биласиз! Бу жуда ҳам ажойиб!

Айтганча аудиотренингни самара беришига ишонишингиз шарт эмас. Ишонасизми ёки йўқ - у натижа бераверади. “Такрорлаш – ўрганишнинг онаси” деган мақолни эслайсизми? Ҳозир уни ўзгартириб, янгичасига “янги ижобий таъкидларни такрорлаш – янги шахсни, янги тақдирни яратишнинг энг тез ва осон йўли” дейиш мумкин.

Аудиотренингнинг самарадорлиги минглаб инсонларда ўз тасдиғини топган.

Дунёдаги энг кучли аудиотренингни тайёрлаш учун кўрсатмалар:

Аудиотренинг жуда самарали таъсир кўрсатувчи қуйидаги мантралардан ташкил топган. Масалан, дейлик Сиз ўзингизга бўлган ишончни оширмоқчисиз. Бунинг учун қуйидаги тўртта гапни ёзасиз:

Мен ҳар лаҳза сайин янада ўзига ишонган бўлиб бормоқдаман!

Мен ҳар соат сайин янада ўзига ишонган бўлиб

бормоқдаман!

Мен ҳар кун сайин янада ўзига ишонган бўлиб
бормоқдаман!

Мен ҳар йил сайин янада ўзига ишонган бўлиб
бормоқдаман!

Бу ерда **ЯНАДА** сўзи муҳим аҳамиятга эга калит сўздир. Сизнинг ботиний онгингиз юқоридаги мантраларни эшита борган сари ундаги асосий таъкидни бундай тушунади: “Мен аввалдан ўзига ишонган инсонман ва ўзимга бўлган ишончим янада ошиб бормоқда”.

Бизнинг ўзимизга бўлган ишончимиз ёки ишончсизлигимиз бизнинг бошимизда, бизнинг ўйларимизда жойлашган бўлади. Бу бир дастур ва унинг ташқи муҳит билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Агар сиз ўзингизни ўзига ишонган инсонман деб ҳисобласангиз демак сиз ўзига ишонган инсонсиз. Агар сиз ўзингизни ўзига ишонмайдиган деб ҳисобласангиз, демак сиз ўзига ишонмайдиган инсонсиз. Қачонки сизнинг ботиний онгингиз “Янада” сўзини эшитса, у мантрадаги ҳар бир гап билан ўзига бўлган мутлоқ ишончга дастурланаверади.

Сиз бу мантра ёрдамида ўзингизда бошқа сифатларни

ҳам шакллантиришингиз мумкин. Бунда мантранинг асосий таркиби ўзгаришсиз қолади. Масалан, “ўзига ишонган” сўзини “соғлом”, “ёш”, “бахтли”, “кучли”, “омадли”, “бой” ёки сиз ўзингизда шакллантиришни хоҳлаган сифатни ифода этувчи бошқа сўз билан алмаштириш мумкин. Масалан: Сиз молиявий аҳволингизни яхшилашни, бой бўлишни истаяпсиз. У ҳолда сизда қуйидаги мантра ҳосил бўлади:

Мен ҳар лаҳза сайин янада бой бўлиб бормоқдаман!

Мен ҳар соат сайин янада бой бўлиб бормоқдаман!

Мен ҳар кун сайин янада бой бўлиб бормоқдаман!

Мен ҳар йил сайин янада бой бўлиб бормоқдаман!

Битта аудиотренингда биратўла бир неча сифатни шакллантириш ва кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Қатъий равишда кўп қиррали, ёрқин, жозибали шахсни яратинг!

Аудиотренинг - бу янги шахсингизни, янги ҳаётингизни, янги тақдирингизни шакллантирувчи ўта қувватли, ўта кучли, ўта самарали қурилмадир.

Аудиотренингни ўз “ички овоз” ингизга максимал

ўхшаш, яқин бўлган овозда ёзинг. Агар сиз ички овозингизга яқин бўлмаган овозда, масалан жуда баланд ёки паст овозда, ёзсангиз у ҳолда кўп марталаб, минглаб маротабалаб эшитиладиган сеҳрли мантралар сизни бир оз зериктира бошлаши мумкин ва бир муддатдан сўнг ўз аудиотренингизни эшитгингиз келмай қолади. Аудиотренинг максимал даражада самара бериши учун аудиоёзув сизнинг ўз “ички овоз” ингизга ўхшаб, унга яқин бўлиб эшитилсин. Майли у худди сиз ўзингиз билан ўзингиз суҳбатлашадиган овозга ўхшаб тинч, сокин ва юмшоқ бўлсин.

Барча мантра ва аффирмацияларни кетма-кет ёзиб бўлгандан сўнг қулоқчин (наушник) ларни тақинг ва қайта – қайта ўқиш функциясига қўйиб ўз аудиотренингизни иложи борича кўпроқ эшитинг.

Аудиотренингни эшитишда унинг паст – баландлигини тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Аудиоёзувнинг товушини жуда секин, қулоқларингиз эшитар-эшитмас (зўрға эшитадиган) қилиб танланг.

Агар сиз ҳаммасини тўғри бажарган бўлсангиз аудиоёзувдан келаётган овоз худди “ички овоз” ингиздек

бўлади ва бу буюк матнлар сизга билинар-билинмас эшитилиб туради. Аудиоплеерни ёққандан сўнг иложи борича кулоқчинда (наушник) эканлигингизни тезда эсдан чиқаринг. **Табиийки аудиотренингни автомобил бошқараётган вақтда эшитиш мумкин эмас.** Бошқа вазиятларда эса, масалан метрода кетаётганингизда, кир юваётганингизда, таом тайёрлаётганда, сайр қилаётганда, ҳаттоки интеллектуал, креатив характердаги мураккаб масалаларни ечаётганда ҳам бемалол эшитиш мумкин. 5 – 10 дақиқадан сўнг Сиз ўзингизнинг тинч, сокин овозингизни сезмай ҳам қўясиз. Сизнинг ақлингиз турли характердаги мураккаб масалаларни ечаётган бир пайтда, Сиз ўзингизни ўзингизга бўлган супер ишончга, ўзингиз истаган сифатларга дастурлаётган бўласиз.

Кун давомида эшитиш учун вақтингиз керагидан ҳам кўп. Хонангизни йиғиштиряпсизми – аудиотренингни тингланг. Нонушта тайёрлаяпсизми – аудиотренингни тингланг. Бекатда автобус кутяпсизми – аудиотренингни тингланг. Транспортда кетяпсизми – аудиотренингни тингланг. Спорт билан шуғулланаяпсизми – аудиотренингни тингланг. Агар эплей олсангиз компьютер дастури ёрдамида

аудиотренинг устига ёқимли муסיқа қўшинг. Энди сизнинг аудиотренингиз ҳам фойдали ҳам ёқимли бўлади.

Бунда бузиш мумин бўлмаган, тақиқланган битта муҳим шарт бор: кун давомида аудиотренингни **камида тўрт соат эшитиш керак**, агар кам бўлса, аудиотренингдан ҳеч қандай маъно йўқ.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек аудиотренингни жуда паст овозда эшитса ҳам бўлади. Ботиний онг учун бунинг фарқи йўқ, у барибир бу овозларни қабул қилаверади. Агар паст овозда эшитсангиз Сиз буни бир оздан сўнг сезмай ҳам қоласиз ва бемалол китоб ўқишингиз, муҳим масалаларни ҳал қилишингиз, ижод билан ҳам шуғулланишингиз мумкин бўлади. Натижада кундалик ишларингизга аудиотренинг ҳеч қандай халақит бермайди.

Сўз кучига ишонмайдиганлар учун!

Агар Сиз ҳали ҳам сўзнинг кучига ишонқирамай қараётган бўлсангиз, Кришнага сиғиниш деб номланувчи динга эътибор беришингизни сўраймиз. Кришнага сиғиниш динига кирган оддий одамлар бир кун келиб ҳамма нарсани, ўз ота-онасини, оиласини, жамият олдидаги бурчини

унутишини кўпчилик билмаса керак. Чунки уларнинг энг асосий иши Кришнага сиғиниш бўлиб қолади. Биз бу дин борасида мутахассис эмасмиз, лекин уларнинг асосий “дуоси” бўлмиш “хари-гари-Кришна” иборасини кўп марталаб такрорлаш нима оқибатларга олиб келаётганини кўриб турибмиз. Ота-онасини, фарзандларини унутиши ва Кришнага ўзини бағишлаши учун яхши кришначи бу ибораларни кунига 16 минг марта такрорлаши керак.

Мен учун дунёга келишимига сабабчи бўлган, меҳр берган, тарбиялаган ота-онам олдидаги маъсулият, фарзандларим, оилам олдидаги маъсулият шунчалик каттаки ҳатто бу яқин инсонларимни қандайдир Кришна деб бутунлай унутиб юборишни хаёлимга ҳам келтиришни истамайман. Лекин мен аниқ биламанки агар уларнинг “хари-гари-Кришна” иборасини кунига 16 минг марталаб такрорлаб юрсам, вақт ўтиши билан Кришна ҳақидаги бу сўзлар, Кришна ҳақидаги бу ўй-хаёллар менинг онгимдан, қалбимдан, юрагимдан мен учун энг азиз бўлган барча нарсани сиқиб чиқаради. Эрталаб кимни деб уйғонадиган бўлсам барчасини. Кимни деб юрагим уриб турган бўлса барчасини. Бу сўзларни минг-минглаб марта такрорлаш

натижасида ҳамма-ҳаммаси сиқиб чиқарилади, ҳаттоки Сиз ўта сергак, онгли яшовчи профессионал бўлсангиз ҳам.

Нима учун айнан кришначилар сектасини мисол қилиб келтиряймиз? Чунки бу сектага кирган инсонларни ҳеч ким қайтариб бу сектадан чиқара олмайди. Ҳаттоки энг кучли, энг қиммат психологлар, гипнозчилар ҳам Кришнага сиғинувчиларни ўз ота-оналарига қайтариб беролмайдилар. Бундан олинадиган сабоқ шуки сўзлар жуда катта кучга эга бўлиб, у ёки бу мантрани кўплаб такрорлаш натижасида инсонлар ҳаттоки ўз ота-онасини, фарзандларини унутиб юбориши мумкин экан.

Бекорга кўп динларда маълум ибораларни қайта-қайта такрорлаш кундалик вазифа сифатида берилмайди. Бизнинг ислом динимизда ҳам кунлик такрорланадиган тасбеҳлар борлигини ҳамма билса керак. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки – сўзлар инсонлардаги сифатларни шакллантиришнинг энг кучли қуролларидан биридир.

Албатта, ҳурматли ўқувчи, Сиз билан бизда ўзимизда фойдали сифатларни шакллантириш имконини берувчи фойдали ибораларни 16 минг марта такрорлашга вақт йўқ. Аммо 100 марта такрорлаш мумкин. Агар кимда иш

кўплигидан 100 марта такрорлашга ҳам имкон бўлмаса Сизни тушунаман. Лекин ҳар қандай вазиятдан чиқиш йўли борлигини ҳам биламан. Шунинг учун айнан иши бошидан ошиб ётганлар ҳам фойдалана оладиган йўллар мавжуд эканлигини билдириб қўйишга ижозат бергайсиз.

Бу суперсамарадор, оддий, ҳеч қандай вақт талаб қилмайдиган усул Аудиотренинг деб номланади. Унинг самарадорлиги минг-минглаб инсонларда синовдан ўтган, ўз тасдиғини топган. Бунинг учун Сизда ҳозирда ҳар бир телефонда мавжуд бўлган аудиоплеер бўлса бас. Бир оз бошланғич тайёргарлик қилиб қайта – қайта эшитиш учун мўлжалланган аудиофайл – аудиотренинг тайёрлаб оламиз.

Бу аудиофайлга ўзингиз танлаган, Сизд керакли ижобий сифатларни шаклантиришга мўлжалланган мантралар ёзилади. Мантра нима? У қандай тузилади? Ўзида исталган фойдали сифатларни (бахт, омад, соғлик, ёшлик, бойлик, зийраклик ва бошқа ўзингиз истаган сифатлар) шаклантириш учун қандай усулда мантра тузилади? Бу каби саволларга юқорида батафсил тўхталиб ўтдик.

Аудиотренинг тайёрлаб олгандан сўнг Сизга фойдали ибораларни юзлаб марта такрорлашга ҳожат қолмайди. Сиз

бирор оддий ишларни бажараётган вақтингизда, йўлда, бекатда, ишда, уйда, кир юваётганда, пол артаётганда ўз овозингизда ижро этилган ушбу энг кучли, энг таъсирли мантраларни эшитишингиз мумкин бўлади.

Аудиоплеерни кун давомида эшитиб юриш мумкин. Унинг овози қулоқларингизга билинар-билинемас эшитилиб туради. Сиз ўз ишингизни қилаверасиз, аудиоплеер эса Сизга ишлаётган бўлади. Сиз хоҳлаган иш билан, ҳаттоки интеллектуал фаолият билан ҳам шуғулланишингиз мумкин: бухгалтерлик ҳисоботи дейсизми, янги этикетка дизайни дейсизми, бизнес-план тузиш дейсизми фарқи йўқ аудиоплеер Сиз учун ишлайверади. Қайта-қайта ўқиш режимига қўйгандан сўнг бир неча минут ўтиб Сиз унга эътибор бермай қўясиз, ботиний онгингиз эса Сиздаги ўзига ишонч, соғлик, бахт, омад ва бошқа барча ижобий сифатларга (қандай сифатни шакллантиришни ўзингиз танлайсиз) дастурланишда давом этаверади.

Кўпчилик биладики бирор ишни қилишда уни қила олишга ишониш керак. Лекин бу ишонч Сизда бўлмаса нима қиласиз? Уни қаердан оласиз?

Бунинг энг кўп тавсия этиладиган йўли – бу қайта-

қайта шу ишни қила олишингизни такрорлашингиздан иборатдир. Лекин буни ҳамма ҳам бажара олмайди. Вақт йўқ, эсдан чиқиб кетади. Хохлаган кайфият ҳар доим ҳам бор бўлавермайди. Бундай пайтда аудиотренинг энг оптимал ечим ҳисобланади. Уни бир марта тайёрлаб олиш етарли. Кейин исталган вақтда, исталган жойда фойдаланаверасиз.

Демак, биз ўзимиз учун қуйидагиларни билиб олдик:

- сўз инсон онгини ўзгартирувчи энг кучли қуроллардан биридир;
- сўзнинг кучи қанча кўп такрорланса шунча кўп ортиб бориши;
- сўзлар ёрдамида инсонда яхши сифатларни (бахт, омад, ўзига ишонч, соғлик) шакллантириш мумкинлиги;
- кўп такрорлашга имкони йўқлар махсус аудиотренинг тайёрлаб олишлари мумкинлиги ва унинг ёрдамида ўзида кўплаб ижобий сифатларни осон ва тез шакллантира олишлари;

Ушбу қўлланмадан олинадиган фойдалар:

- аудиотренинг ботиний онгни керакли йўналишда дастурлашнинг энг самарали усулларида бири эканлиги;
- аудиотренингни самара беришига ишонишингиз шарт эмас. Ишонасизми ёки йўқ - у натижа бераверади.
- аудиотренингнинг самарадорлиги минглаб инсонларда ўз тасдиғини топганлиги.
- ушбу китобдаги аудиотренинг дунёдаги энг кучли аудиотренинг эканлиги;
- аудиотренинг қуйидаги тўртта асосий мантрадан ташкил топганлиги:
 - Мен ҳар лаҳза сайин янада бой бўлиб бормоқдаман!*
 - Мен ҳар соат сайин янада бой бўлиб бормоқдаман!*
 - Мен ҳар кун сайин янада бой бўлиб бормоқдаман!*
 - Мен ҳар йил сайин янада бой бўлиб бормоқдаман!*
- бу мантраларнинг асосий кучи “ЯНАДА” сўзида эканлиги;
- битта аудиотренингда биратўла бир нечта сифатни ривожлантириш мумкинлиги;
- аудиотренингни ўз “ички овоз” ингизга максимал яқин овозда ёзиш мақсадга мувофиқ эканлиги;
- кун давомида аудиотренингни **камида тўрт соат**

эшитиш кераклиги, акс ҳолда аудиотренингдан ҳеч қандай наф бўлмаслиги.

- аудиотренингни тинглаш сиздан ортикча вақт талаб қилмаслиги;

Ушбу қўлланмада келтирилган усуллар Россиялик муваффақият устози В.В. Довганнинг тренинглари ва китоблари асосида тайёрланган.

<http://vdovgan.ru/>

Диққат!

Агар Сиз

- ўз мақсадларингизга қандай эришишни билмаётган бўлсангиз;

- мақсадларингиз сари амалга ошираётган ҳаракатларингиз бира тўла йўққа чиқаётганини кузатиб ва нима қилишни билмай турган бўлсангиз;

- маълум миқдордаги даромаддан нарига ўтолмаётган, ёки пулсизликда анчадан бери ва мустаҳкам ўрнашиб олган бўлсангиз;

- ва ҳаётда Сизни сарсон қилаётган бошқа муаммоларингизнинг асл сабабини ва уни бартараф этишнинг самарали йўллари излаётган бўлсангиз,

Унда Сизни қуйидаги маълумотлар қизиқтириши табиий.

Гап шундаки Мен Сизга энг дадил мақсадларингизга эришиш, ҳозирда дуч келаётган муаммоларингиз асл сабабини аниқлаш ва уларни самарали бартараф этиш имконини берувчи қуйидаги комплекс дастурларни тайёрлаганим ҳақида айтмоқчиман:

1. Альфа-трансформация

2. Воқеъликни бошқариш технологияси

Бу дастурдаги илмлар ва медитацион техникалар Сизга:

- ўз мақсадларингизга эришишнинг энг муҳим ва нозик жиҳатларини;

- мақсадларингиз сари интилишда дуч келувчи тўсиқларнинг асл сабабларни аниқлаш ва ишончли бартараф этиш йўллари;

- анчадан буён ўзгармай келаётган бир хил даражадаги даромаддан қандай қилиб юқорига кўтарилишни. Агар бу

муаммонинг асл сабаб аниқланиб бартараф этилмаса, Сизнинг фаровон ҳаёт сари барча интилишларингиз чиппака чиқиши аниқ ва кафолатланган бўлади;

- ва бахтли, фаровон, омадли, соғлом ва ёрқин ҳаёт учун қаршилик қилиб турган онгингиздаги дастурларни аниқлаш ва уларни янгиси ва фойдалисига ўзгартиришни қандай амалга оширишни ўргатади.

Бу дастурдаги илмларни қўллаш соҳаси чегараланмаган. Улар ёрдамида ҳаётда дуч келаётган ҳар бир тўсиқнинг асл сабабини аниқлашингиз, сўнгра уни самарали бартараф этишингиз мумкин.

Энди Сиз ўзингиз учун катта-катта мақсадлар қўйишингиз, ўз орзуингизни босқичма – босқич, ҳеч бир қийинчиликларсиз амалга ошириб боришингиз мумкин.

Бу жуда ҳам ёқимли, жуда ҳам қизиқарли жараёндинр!

Ҳа айтганча бу усулларни ўзимда қўллаш натижасида даромадимни бир ой ичида 6 баробарга оширишга, ўз бизнесимни дадиллик билан бошлашга муваффақ бўлдим!

Сиз ҳам шундай муваффақиятларни истасангиз муурожаат қилинг:

Telegram: @Shuxrat_Eshmurodov

Telefon: +99893 541-74-79

Бу комплекс дастурлар нарҳини неч пул дерсиз?

Бу илмлар баҳосини камида 1000 000 сўм қилиб белгиласам ҳам паст баҳо айтган бўламан. Сабаби, агар ойлик даромадингиз 1000000 сўм бўлса, бу илмлар орқали даромадингизни осонгина 2 баробарга оширишингиз ва бир ой ичида кетган харажатларни қоплашингиз мумкин бўлади.

Ҳозирда Сиз бу курсларни энг қулай нархларда харид қилишингиз мумкин:

- 1. Альфа-трансформация дастури – 300 000 сўм**
- 2. Воқеъликни бошқариш технологияси дастури – 600 000 сўм**

Курслар учун сарфлаган маблағингиз ўзингиз учун сарфланади. Ахир энг зўр инвестиция – бу илмингизни оширишга сарфлаган инвестициядир. У Сизга бир неча баробор бўлиб қайтиб келади. Олган билимларингиз Сиз билан бир умрга қолади.

Бундан ташқари 31.08.2017 йилгача харид қилганлар қуйидаги бонусларга ҳам эга бўладилар:

№	Бонус номи	Қиймати
1.	“Ўзига ишонган инсон бўлиш сирлари” - номли тренинг китоб.	15000 сўм
2.	“Фойдали айёрликлар” психологик усуллар келтирилган қўлланма	5000 сўм
3.	“Соғлом озиш сирлари” номли тренинг китоб.	15000 сўм

Қисқаси ушбу курслар билан бирга ўзингизни тезда ривожлантириш, ҳаётингизни бутунлай ёрқин томонга ўзгартириш учун жуда зарур ва қимматли маълумотларни қўлга киритасиз.

Мурожат қилинг:

Telegram: @Shuxrat_Eshmurodov ёки 99893 541-74-79

“Воқъеликни бошқариш технологияси” тренинги Сизга нима беради?

□ Онгингиз кучидан фойдаланиб истагингизни яратиш ва қўлга киритишни ўрганасиз;

□ Аждодларингиздан ўтиб келаётган оғир дастурлардан ўзингизни халос этасиз;

□ Ўз муаммоларингизни имкониятларга трансформация қилиш (ўзгартириш) кўникмасига эга бўласиз;

□ Ўз ботиний онгингиз билан тўғридан-тўғри мулоқот қилишингиз мумкин бўлади;

□ Ўзингиз истаган моддий бойликларга бўлган сўровларингиз амалга ошиш механизмининг қандай ҳаракатга келишини кўрасиз;

□ Сиз бу механизмни эркин бошқаришни ўрганасиз;

□ Ва Сиз онг кучидан фойдаланиш, қўлингиздан келадиган бошқа барча ишлардан бир неча баробар самарадор эканлигини исботловчи далилларни қўлга киритасиз;



**Янги, фойдали ва ривожлантирувчи илмларни
ўрганишда Аллоҳ ёр бўлсин!**